



ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 1995 йил, 26 май • 21 (215)

Ўзбекистон — Покистон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхуттонинг республикаимизга ташриф буюриши ҳар икки мамлакат уртасидаги давом этиб келаётган ҳамкорликда янги муҳим босқич бўлди. Бу ҳамкорликка мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йилнинг августда Покистонга расмий сафари чоғида асос солинган эди.

Тошкентдаги музокараларда Ўзбекистон билан Покистон Ислом Республикаси уртасида узаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Расмий музокараларда икки мамлакат уртасида 15 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди.

Покистон Бош вазири Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тошкентда Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамкорликка бағишланган БМТ доимий семинарини ташкил этиш тугрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашни яна бир қарра таъкидлади. Томонлар Афғонистонда тинчлик қарор топишини тезлатиш, биродарқўшлик урушини тугатиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ушбу мамлакатга қурол-яроғ олиб киришни таъқиқлашни зарурлиги хусу-



сида ҳамфикр эканликларини изҳор этдилар.

Музокаралар ниҳоясида икки томонлама солиқ олмаслик тугрисидаги, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги, сайёҳликни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тугрисидаги битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Аҳмад Али имзо чекдилар. Ўзбекистон Президенти Ислом

Каримов шу кунги Тошкентдаги «Навруз» тантаналар уйида Покистон Бош вазири Беназир Бхутто шарафига қабул маросими уюштирди.

Мамлакатимизда расмий сафарда бўлган Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Бухорога ташриф буюрди. Юқсак мартабали меҳмон бу ерда Баҳовуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди, шаҳардаги тарихий ёдгорликларни

кузлаб кеçирди.

Шу кунги Покистон Бош вазири Беназир Бхутто ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқандга ташриф буюрдилар. Меҳмонлар улуг муҳаддис, имом Исмоил ал-Бухорий мақбарасини, Регистон майдони, Гури Амир мақбарасини зиёрат қилдилар.

23 май кунги Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Самарқанддан ватанига жунаб кетди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини кенгаши Раёсатида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб утди. Федерация кенгаши раисининг уринбосари Қ. Рафиқов ижтимоий сугурта бюджети ва республика касаба уюшмалари Федерациясини бюджетдаги камчиликлар тугрисида ахборот берди. Шунингдек, у 1995 йилнинг I чорагида касаба уюшмаларига аъзолик бадалларининг туширилиши буйича ҳам ахволни таҳлил қилиб берди. Ушбу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорларда йул қўйлаётган камчиликларни тезда баратараф этишни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Раёсат йиғилишида мамлакат касаба уюшмалари ҳаётига оид яна бир қанча масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, «Ишонч» газетасини шу йилнинг июль ойидан бошлаб ҳафтасига икки марта чиқаришни ташкил этиш ва шу муносабат билан унга утказиладиган идоравий обуна буйича қарор қабул қилинди.

Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари

БИЗГА БИТТА ҚУЁШ НУР СОЧАДИ



«Биз азалдан буюк Турон — Туркистон деган ерда яшаймиз, бизга битта қуёш нур сочади, бир булоқ ва бир дарёдан сув ичамиз».

Ислом КАРИМОВ.

Илгари хабар қилганимиздек, Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари зур кутаринки руҳда, дустана кайфиятда утказилди. 20 май кунги мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги расмий делегация Алматыга ташриф буюрди.

Расмий делегация сафида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Ҳалилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Журабеков, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг уринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорги Кенгеси Раи-

си У. Аширбеков, республика Олий Мажлиси Раисининг уринбосари Б. Шодиёва, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жураев, Бош вазир уринбосарлари Д. Гуломова ҳамда Ю. Пайғи, айрим вазирлар, пойтахт ва вилоятлар ҳокимлари, таниқли олимлар, шоир-ёзувчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Еқубов бор эди.

(Давоми 2-бетда).

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ҚАДРЛИ КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ! АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини кенгашининг қарорига биноан Сизнинг доимий ҳамроҳингиз — «Ишонч» газетаси шу йил июль ойидан бошлаб ҳафтасига 2 марта — сешанба ва жума кунлари «А-2» форматли ҳажмда чиқа бошлайди.

Қўпчилик газетхонлар талаб ва истаклари асосида белгиланган ушбу тадбирдан кузда тутилган асосий мақсадимиз:

— мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур сиссий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг боришини янада кенгрок, еркинрок, таъсирчан ва изчил ёритиб бориш;

— пастдан юқоригача касаба уюшма ташкилотларининг меҳнатқашлар, аҳоли барча табақаларини ижтимоий ҳимоялаш, корхоналар, муассасалар, ташкилот ва ҳужаликларда қулай иш шароитлари, маданий-манший шароитларни яратиш йулидаги серқирра фаолиятларининг кенг ошқоралигини таъминлаш;

— пастдан юқоригача касаба уюшма ташкилотларининг мустақиллик йилларида янги шароитларда фаолият юритиш буйича орттирган қимматли тажрибаларини қўллаб-қувватлаш ва уларни кенг сийб бориш;

— Ўзбекистон Президентининг Фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида тадбиркорлик ҳамда ишбилармонликнинг кенг сийлишига, турли хил мулккий шаклдаги ишлаб чиқариш корхоналарининг бозорни исстеъмол моллари билан тулдиришига, илгор техника ва технологияларнинг жорий этилишига, мустақиллигини иқтисодий мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларнинг кенг қулоч сийлишига ҳалақит бераётган турчилик, сансалорлик, лоқайдлик, поражурлик ва бошқа йллатларга қарши курашни кучайтириш;

— Силга таниш бўлган «Одамийлик сабоқлари», «Машриқимиз даргалари» каби руқилардан ташқари маънавий меросимиз, умуминсоний қадриятларни кенг тарғиб қилуви янги-янги йуналишларда мақолалар, мулоқотлар, долзарб суҳбатлар, жойлардан репортажларни ёритиб бориш;

— дуне воқеаларидан, дуне ажойиботлари, сирли синаотлардан, табиат, жамият ва бутун борлик янгиликларидан доимий хабардор қилиб боришни йулта қўйишдан иборат.

Қисқаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари газета саҳифаларида бир бутун — яхлит ижтимоий куч сифатида руй-рост намоён бўлишига, унинг жамиятимиздаги манқеи ва обрусини мустаҳкамлашга бор икждий имкониятларини ишга солашга. Айни пайтда «Ишонч»да ранг-баранг қизиқишга эга бўлган турли табақача мансуб укувичиларимиз маънавий — эҳтиёжларини қондира оладиган сержило ва турфа материаллар газетхонларимизга изчил тақдим этиб борилади.

Шунинг учун ҳам биз «Ишонч» газетаси — ҳар бир касаба уюшмасига! деган ширни уртага ташлаймиз. Шунга таъкидлашни истардикки, биз билан ҳамкорлик энг аввало сиз учун фойдали.

Айни пайтда ҳар бир касаба уюшма ташкилоти газетача обуна бўлиш билан унинг мунтазам чиқиб туришини таъминлашга бевосита ҳисса қўшади. Демак, сизларни ҳар томонлама фойдали амалий ҳамкорликка даъват этамиз.

ГАЗЕТАНИНГ КАТАЛОГ БУЙИЧА 6 ОЙЛИК ОБУНА БАҲОСИ КОРХОНА ВА ИДОРЛАР УЧУН 202 СЎМ 80 ТИЙНИ.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН ЭСА 99 СЎМ.

ОБУНА БУЛИШГА ШОШИЛИНГ, АЗИЗ КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ! (Вилоятларда обуна баҳоси газетани етказиб бериш харажатларига қараб турлича бўлиши мумкин).

